



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИДОРАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Иброхимов Илҳомжон Раимберди ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
иҳтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 216-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14989194>

ARTICLE INFO

Received: 27th February 2025

Accepted: 28th February 2025

Published: 7th March 2025

KEYWORDS

профилактика инспектори,
экология, атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш, ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси, экологик
назорат, ҳамкорлик, барқарор
ривожланиш.

ABSTRACT

Мазкур мақолада профилактика инспекторларининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилади. Жамоат хавфсизлиги ва экологик барқарорликни таъминлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича органлар ва экологик назорат идоралари ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг аҳамияти таҳлил қилинади. Шунингдек, бу соҳадаги муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар баён этилади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг инсонлар соғлиғига зарарли таъсирини олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолат сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Бутун мамлакат миқёсида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар қимматбаҳо навларининг кесилишига муддатсиз мораторий амал қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 31.05.2023 йилдаги ПФ-81-сон Фармони¹да, республикада ҳудуд раҳбарлари, экология ва атроф-муҳитни ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг эътиборсизлиги натижасида соҳада ўтган даврда жиддий камчиликларга йўл қўйилган, айрим ҳолларда эса табиатга ва жамиятга тиклаб бўлмас даражада зарар етказилганлиги кўрсатиб ўтилди. Хусусан:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2023 йилдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-81-сон Фармони

худудларда, айниқса, шаҳарларда ҳаво ифлосланиши бўйича ҳолат тобора ёмонлашиб бормоқда, атмосферага чиқариладиган ташланмаларнинг юкини камайтириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмаган;

дарахтлар ва буталарни кесилишига эълон қилинган мораторий даврида 44 мингга яқин, шундан 9,5 мингга яқин қимматбаҳо дарахтлар ноқонуний кесилиши натижасида табиатга 36 миллиард сўмлик зарар етказилган;

дарахтларнинг илдиз тизимларини бетон ва асфальт билан қоплаш, уларга турли электр чироқ ва реклама мосламаларини илиб қўйиш дарахтларнинг жиддий шикастланишига сабаб бўлмоқда;

жамиятда ҳайвонларга, шу жумладан, уй ҳайвонлари ва қаровсиз ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда, уларни идентификация, чиплаш, вакцинация ва стерилизация қилишнинг замонавий тизими мавжуд эмас;

муҳофаза этиладиган табиий худудларда чорва моллари назоратсиз ва тизимсиз боқилиши ҳолатларининг ортиб бориши, ер ости сувларидан илмий асосларсиз фойдаланиш экотизимларнинг бузилишига, катта ер майдонлари деградациясининг ортишига ҳамда уларнинг чўлланишига олиб келмоқда, оқибатда иқлим ўзгаришининг таъсири кучаймоқда, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилилаётганлиги.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бугунги кунда глобал аҳамият касб этмоқда. Жамият тараққиёти ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, профилактика инспекторларининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорлигини кучайтириш долзарб масала ҳисобланади. Ушбу мақолада профилактика инспекторлари ва экологик назорат идоралари ўртасидаги ҳамкорлик механизмлари, амалдаги қонунчилик ва мазкур соҳадаги ислохотлар таҳлил қилинади.

Профилактика инспекторларининг экология соҳасидаги ваколатлари ва мажбуриятлари бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан:

"Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси"²нинг муқаддимасида "мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойликларини кўпайтиришга ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлашга ҳамда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга астойдил аҳд қилиб," ҳамда 46-моддасида "Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга.

Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

Шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади.

Давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради." деб белгиланди.

Шунингдек, 62-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар" 66-моддасида "Мулқдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мол-мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси., 2023 й

керак” лигини. 115-моддасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликларни ва биологик хилма-хилликни сақлаш, иқлим ўзгаришига, эпидемияларга, пандемияларга қарши курашиш ҳамда уларнинг оқибатларини юмшатиш соҳаларида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»³ги 2014 йил 14 май қонунининг 9-моддасида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари. Буларга

"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун (1992 йил, янги таҳрирда 2019 йил) экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

"Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонун профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлашдаги ваколатларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"⁴ги ПҚ-76-сонли қарори қабул қилинди.

Унга кўра, Қуйидагилар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси) янгиланган асосий вазифалари этиб белгилансин:

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини олдини олиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни таъминлаш, жамоатчилик назоратига услубий ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш;

атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва объектларнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, улар турларининг хилма-хиллигини, табиий туркумлари яхлитлигини ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаш, қайта тикланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини олиб бориш, маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида давлат ва хусусий шерикчиликни фаол жалб қилган ҳолда тизимни ташкил этиш;

атмосфера ҳавоси, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини ўрнатиш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишини "Коррупциясиз соҳа"га айлантириш, экологик тарбия, тарғибот ва таълим тизимини ташкил этиш, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари фаолиятига кўмаклашиш этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 августдаги "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"⁵ги ПФ-189-сон Фармони қабул қилинди.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуни.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-76-сонли қарори

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 августдаги "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ-189-сон фармони

Фармонга кўра, экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларига Давлат экология қўмитаси томонидан юритиладиган “Яшил макон” ва бошқа платформалардан фойдаланиш имкониятини яратилади.

Шунингдек, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларига маҳаллаларда экологик назоратни амалга ошириш бўйича қуйидаги вазифа ва ваколатларни бериш орқали “Экологик патруль” ишлаш тизимини кенгайтирилди:

маҳаллаларда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга доир ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шунингдек, браконьерликка қарши курашиш;

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга доир ҳуқуқбузарликлар ҳамда браконьерликка қарши курашиш бўйича бевосита маъмурий жавобгарликка тортиш ва терговга қадар текширувни амалга ошириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”⁶ги ПҚ-171-сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимига ўтказилаётган ташкилотлар фаолиятини ташкил қилиш жадвали;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимида янги ташкил қилинаётган тузилмалар фаолиятини йўлга қўйиш жадвали;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимидаги қайта ташкил қилинаётган тузилмалар фаолиятини йўлга қўйиш жадвали;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ташкилий тузилмаси;

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси»;

Экология, атроф-муҳит муҳофазаси, ўрмон хўжалиги ва гидрометеорология соҳаларидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаси тасдиқланди.

Профилактика инспекторлари ва экологик идоралар ҳамкорлигининг аҳамияти Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”⁷ги кодексининг 248-моддаси 4-қисмида маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари 24 та модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо қўллаш ваколатлари берилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини инспекторлари экологик идоралар билан ҳамкорликда иш олиб борган ҳолда қуйидаги вазифаларни бажариши мумкин:

биринчи. Атроф-муҳитга зарар етказувчи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

иккинчи. Қонунбузарларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш;

учинчи. Экологик тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш;

тўртинчи. Қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;

бешинчи. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоатчилик билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Ҳамкорликни такомиллаштириш йўналишлари

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-171-сонли Қарори

⁷ Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида” ги кодекси

Профилактика инспекторлари ва Экология давлат қўмитаси ҳамкорлигини такомиллаштириш учун қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

Маълумот алмашинувини кучайтириш – Экологик ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни тезкор тақдим этиш ва қўшма таҳлиллар ўтказиш.

Мутасадди идоралар ўртасидаги мувофиқлаштириш механизмларини ривожлантириш – Худудий даражада экологик назоратни кучайтириш бўйича қўшма йиғилишлар ўтказиш.

Жамоатчиликни жалб қилиш – Экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун аҳоли билан ҳамкорликни кучайтириш ва экологик саводхонликни ошириш.

Замонавий технологиялардан фойдаланиш – Экологик назоратни кучайтириш мақсадида видеокузатув ва ахборот тизимларини жорий этиш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки экологик барқарорликни таъминлаш профилактика инспекторлари ва Экология давлат қўмитаси ўртасида самарали ҳамкорликни талаб қилади. Бунинг учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, ҳамкорлик механизмларини кучайтириш ва жамоатчиликни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, фақат самарали ҳамкорлик ва тизимли ёндашув орқали экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш мумкин.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида” ги кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ер” кодекси
5. Ўзбекистон Республикасининг Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни
6. Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг
9. Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуни.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги қонуни.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлари.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 августдаги “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-189-сон фармони
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2023 йилдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ПФ-81-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-171-сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-76-сонли қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сон. Фармони.on, 16-22-betlar)